

Шоядки, такводор бўлсаларингиз

Ўн иккинчи қисм

«Ана шу гайб хабарларини сенга вахий қилмоқдамиз. Бундан олдин уларни сен ҳам билмас эдинг ва сенинг кавминг ҳам. Бас, сабр қил, албатта, оқибат такводорларникидир». *(Худ сураси, 49-оят)*

Нух алайхиссалом ва у кишининг кавмлари аллақачон ўтиб кетган. Уларнинг хабарини Мухаммад алайхиссалом ҳам, у кишининг кавмлари – Арабистон аҳолиси ҳам билмас эдилар.

«Ана шу гайб хабарларини сенга вахий қилмоқдамиз. Бундан олдин уларни сен ҳам билмас эдинг ва сенинг кавминг ҳам».

Мана энди, ана шу одамларга вахий йўли билан номаълум нарсаларнинг хабари – Нух алайхиссалом ва у зотнинг кавмлари хабари келди.

Дину диёнат, иймон-эътикод иши қадимдан шундай қийинчилик билан кўчган. Нух алайхиссалом тўққиз юз эллик йил даъват қилгандан сўнг озгина киши, баъзи ривоятларда айтилишича, ўн икки киши иймон келтирган, холос. Хаттоки, у кишининг ўгиллари ҳам иймон келтирмаган. Шунинг учун:

«Бас, сабр қил, албатта, оқибат такводорларникидир».

Эй Мухаммад (соллаллоху алайхи васаллам), сабр қил, сен энди ўн йил даъват қилдинг. Даъват иши юришмай қолганига сикилма, оқибатда такво қилувчилар нажотга эришиши муқаррардир. Нух Пайгамбар алайхиссаломга иймон келтирганлар, ниҳоятда оз бўлишларига қарамай, узок вақт сабр қилдилар ва оқибатда нажотга эришдилар. Такво қилмаганлар, қофирлар эса қанчалик кўп бўлмасинлар, ҳалок бўлдилар.

«Кавми унга шошилиб, халлослаб етиб келди. Улар бундан олдин гунохлар килар эдилар. У: «Эй кавмим, анаву кизларим сизлар учун покрок-ку. Бас, Аллохдан кўркинг! Мехмонларим хакида мени шарманда килманг. Ичингизда бирорта тузукрок одам йўкми?!» – деди». (Худ сураси, 78-оят)

Лут алайхиссалом хузурига чиройли ёш йигитларнинг келганини эшитган жинойтчи кавм тезлик билан етиб келди.

«Кавми унга шошилиб, халлослаб етиб келди. Улар бундан олдин гунохлар килар эдилар.»

Яъни баччабозлик килардилар. Лут алайхиссаломнинг мехмон бўлиб ёш йигитларнинг келишидан ёмон холга тушишлари ва кўл-оёқлари бўшашишлари ҳам, юкорида айтиб ўтилганидек, шу боисдан эди. Кавмнинг нияти кўринишидан маълум эди. Шунинг учун Лут алайхиссалом уларни тўғри йўлга йўллашга ҳаракат қилиб:

«Эй кавмим, анаву кизларим сизлар учун покрок-ку», дедилар.

Лут алайхиссаломнинг «анаву кизларим» деган иборалари пуштикамарларидан бўлган кизларини ҳам ва иймон келтириб, у кишига эргашган кизларни ҳам ичига олишини тафсирчиларимиз таъкидлаб ўтишган. Лут алайхиссаломнинг «сизлар учун покрок-ку», дейишлари, уларга уйланиб, шахватларингизни кондиришга пок-ку, деганларидир. Бу ердаги поклик ҳамма маъноларни – хиссий, маънавий, рухий, жисмоний ва бошқа покликларни ичига олади. Эркак кишининг эркак кишига жинсий яқинлик қилиши энг катта ифлослик, нопокликдир. Лут алайхиссалом кавмларини ўша нопокликдан қайтариб, бу борадаги пок йўлга, аёлларни никохлаб олишга даъват қилдилар. Шу билан бирга, кавмга таъсирни кучлироқ ўтказиш учун:

«Бас, Аллохдан кўркинг!» дедилар.

Бу билан уларнинг қалбларига кўркинч солиб, ёмон ишдан қайтармокчи бўлдилар.

Шунингдек, бошқа омилларни ҳам ишга солдилар:

«Мехмонларим хакида мени шарманда килманг».

Бу билан урф-одатларни эхтиром қилишга ҳам даъват этдилар. Чунки мехмоннинг ўзига яраша хурмати бор. Айниқса, ўша бадавий, саҳройи халқнинг мехмонни хурматлаш борасидаги одатлари таҳсинга сазовор эди. Холбуки, бу кавм Пайгамбариникига келган мехмонлар устига жирканч ният билан бостириб кирмокда!

«Ичингизда бирорта тузукрок одам йўкми?!» – деди.»

Яъни бу иш ичингизда бирорта ҳам тузукрок одам йўқлигидан бўляпти. Ахмокликни бас қилинг, аклингизни йигиб олинг.

Ё Аллох, оқибат такводорларники экан, бизни сабр қилишда ва такво қилишда бардавом қилгин.